

Абдусамад ВОҲИДОВ

МАҲБУРИЙ НУСХА

ҚАЛБИМ МАРВАРИДЛАРИ

Шеърлар ва қатралар



Тошкент
«Мумтоз суз»
2013

84(59)7 - Чзб.ағаб.

УДК: 821.512.133

КБК 83.3 (5Ў)1

Мазкур тўплам ҳавасдан унган ижод намуналаридан таркиб топган. Тўпламдаги шеърларда Ватан, миллат, замондош каби лирик образлар моҳият-мазмунини, шаклу шамойили самимият ила таърифланади. Мана шу самимий руҳ шеърларда учрайдиган айрим саҳву нуқсонларни ўқувчи кўзидан пардалайди. Муаллиф қўлига қалам тутқазган рангин мавзулар, умид қиламизки, шеърят мухлисларини бефарқ қолдирмайди.

Масъул муҳаррир:

Темур Тўрабоев

Такризчилар:

Муҳаммад Вали,

Ғули Мурод


83.3 (5Ў)1

3-24

Воҳидов, Абдусамад.

Қалбим марваридлари: Шеърлар ва қатралар / Абдусамад Воҳидов.

Тошкент: «MUMTOZ SO'Z», 2013. – 64 б.



ISBN 978-9943-398-83-2

Ю 42260
08

УДК: 821.512.133

КБК 83.3 (5Ў)1

© Абдусамад Воҳидов, 2013

© «MUMTOZ SO'Z», 2013.



Камтар жилолар

Кўнгил нима ўзи?

Унинг манзил-макони борми?

У неларга кўнмайдию, уни неларга кўндирмоқликка урина-
миз?

Уринишларимиз бесамар кечса-да, «Кўнгил!» дея ўтинаверамиз...

Ҳассосқалб муаллим Абдусамад Воҳидовнинг назмий изҳорларини ўқир экансиз, хаёлга шу ва шу каби жавоби муш-кул саволлар келади, тасаввур кенгликларида шакл-шамойили мавҳум манзаралар гавдаланади. Гарчанд бу манзаралар аниқ-тиниқ бўлмаса-да, улар жуда таниш ва жуда қадрдон туюлади қалбга.

Эҳтимол, бу ўй-хаёллар қачонлардир Сизни-да бедор эт-гандир... Эҳтимол, шундай кечинмалар айна дамда Сизнинг-да тахайюлингиздан ўтаётгандир... Эҳтимол, қай бир куни Сизнинг-да йўлингиз шу манзиллар томон тушар...

Бу йўлларда бутун борлиқ учун оппоқ тилакларни Биру-бордан тиланаётган бўз-дайдини – бўзлаётган тўрғайни уч-ратарсиз. Анжуман қураётган ҳур ҳисларни ҳам. Абдусамад Воҳидовнинг дўлвор шеърларида танишасиз улар билан.

Ахир Сўз – кўнгил нафас оладиган жонбахш ҳаво-ку! Ва шу ҳаво кўнгилнинг ҳар работида – жисму танда, еру кўкда бирдай муаззамдир, мукаррамдир, мунаввардир!



*Ушбу китобимни падари бузрукворим
Абдувоҳид ҳожи Раҳмоновнинг порлоқ хо-
тирасига бағишлайман.*

Муқаддима

Азиз китобхон!

*Узоқ йиллардан буён қалбим тўрида асраб юрганларим-
ни, ниҳоят, Сизларга армуғон этиш фурсати етиб келгани-
дан беҳад шодман.*

*Аввало, менинг ёзмишларимни ўқингиз ва сабр
топганингиз учун алоҳида миннатдорчилик изҳор эта-
ман. Сиз билан илк дафъа учришаётганимиз боис айбу
нуқсонларимни авф этасиз, деган умиддаман.*

*Қайси бир Инсон ёзганларимни ўқиб, менга ўз саволла-
ри, таклифлари ёки эътирозлари билан мурожаат қилса,
мен бундан мамнун бўлардим. Китобни ўқиб, ундан заррача
бўлса ҳам маънавий озуқа олсангиз, ўз мақсадимга эриш-
дим, деб ҳисоблайман.*

*Уйлайманки, битикларим ўзингизни топиб, ўзингиз би-
лан қолишингизда ва ҳаёт йўлларингизда Сизга, албатта,
қўмак беради.*

*Барчамизни Яратганинг ўзи ярлақасин, деб қалбим
тўли меҳр, умид ва ҳаяжонлар ила: МУАЛЛИФ*



ОҚСАРОЙ ОҲАНГЛАРИ



*Қуёш уфқ узра бош қўйган маҳал,
Оқсаройни қучмиш шафақгун оҳанг.
Мовий гумбазларда ёғдулар зарҳал,
Шукрона айтади ҳар гишт, ҳар оқ санг.*



Оқсарой

Боқийлик рамзидир,
Дохийлик рамзидир –
Оқсарой.

Буюклик рамзидир,
Суюклик рамзидир –
Оқсарой.

Монийлик рамзидир,
Ғанийлик рамзидир –
Оқсарой.

Гўзаллик рамзидир,
Азаллик рамзидир –
Оқсарой.

Маҳобат рамзидир,
Матонат рамзидир –
Оқсарой.

Салобат рамзидир,
Саховат рамзидир –
Оқсарой.

Зўр ҳайрат рамзидир,
Ҳам ғайрат рамзидир –
Оқсарой.

Ўтли ишк рамзидир,
Мангу кўшк рамзидир –
Оқсарой.

Турксултон рамзидир,
Туркистон рамзидир –
Оқсарой.



Севгилим

Бир боқишда ақлим олдинг, моҳи тобон севгилим,
Лутфу эхсон айласанг сайри гулистон, севгилим.

Етқуриб васлингга энди шодумон этсанг нетар,
Ой юзингни жилвасидан кўз нурафшон, севгилим.

Икки қаттолдир кўзларинг қилсалар найзабозлик,
Ҳеч бири бермас омон гар бўлса минг жон, севгилим.

Бир куни кулбамга келсанг, моҳирўй, этмай ситам,
Файз қирарди шул куни уйим чароғон, севгилим.

Қийналар дил фироқингда туну кун ёд айлабон,
Ишқу ҳажрингда ёқибон этма гирён, севгилим.

Дилгинамни марҳаматинг боғидан шод айласанг,
Эй Самадий, ёз бу байтни бўлсин даврон, севгилим.





Келақолгин

Келгин-ей, моҳпайкарим, жонон, келақолгин,
Дилдаги дардларимга дармон, келақолгин.

Кўкдаги заррин қуёш бешак юзинг акси,
Меҳрингга зорман, кутдим нолон келақолгин.

Келавер такрор-такрор, кадаминг бос илдам,
Ташрифинг тутмай дариг равон келақолгин.

Ҳижронинг ўтида ман тўлғонурман ҳар ён,
Фигонлар қасрин этиб вайрон, келақолгин.

Эй менинг оҳанрабо, машъал чироғим, кел,
Аҳволим кўр, айла фаровон келақолгин.

Кузми қиш, кўкламми ёз – фарқи йўқдир асло,
Истаганинг замони эй жон, келақолгин.

Табассум қилгач дудоғинг ёришар жаҳон,
Раънолигинг кўрсатиб шодон келақолгин.





Булбул хониш қилганда

Қалбингда қуёш кезар,
Қароғинг юлдуз безар.
Хаёлот чаман сезар,
Хотира кўксинг эзар –
Булбул хониш қилганда.

Гоҳо шох, гоҳ гадосан,
Гоҳо маҳзун садосан.
Гоҳо шодсан – сабосан,
Гоҳида минг адосан –
Булбул хониш қилганда.

Висол қисмат экан,
Азоб фароғат экан.
Озору роҳат экан,
Дўзах ҳам жаннат экан –
Булбул хониш қилганда.

Тонгги само – гул-чаман,
Тонгги сабо – шодлик-шаън.
Ок булут – сулув саман,
Ҳисларда хур анжуман –
Булбул хониш қилганда.





Ҳазора¹ тўрғайи бўзлайди

Устоз Фазлиддин ВОҲИДОВ

Ҳазора тўрғайи бўзлайди,
Хониши юракдан ўзсайди.
Тонг каби мусоффо дил билан
Ок тилак тиланар бўз – дайди.

Ҳазора тўрғайи бўзлайди.
Шифобахш висолдан сўзлайди.
Кечалар уланар сахарга
Нигоҳин кўклардан узмайди.

Ҳазора тўрғайи бўзлайди,
У ҳамдард дўстларин излайди.
Ишкқами, рашкқами тўлган ул.
Ошиқнинг бағрини тузлайди.

Ҳазора тўрғайи бўзлайди,
Ғофилнинг кўнглини бузсайди.
Дилрабо шеър ўкиб чаманда,
Гулларнинг атрини кўзгайдди.

Ҳазора тўрғайи бўзлайди...



¹ Ҳазора - шоир туғилган кинилок.



Юлдуз учди...

Юлдуз учди осмонда,
“Ялт” этиб шу он сўнди.
Билмам кайдан келди-ю,
Кайларга бориб кўнди.

Тикиламан белоён.
Кўкка бўлиб махлиё.
Порлаб турар жуфт юлдуз,
Бошкалардан нурзиё.

Эҳ-хс, қачон-қачондан,
Ажралмас бу ёрқин жуфт.
Қани эди бўлсам,
Мен ҳам шундай содиқ дуст.

Порлаб турсин доимо,
Мен-чун вафо тимсоли.
Бўлмай бир-бирдан жуло,
Мангу маёқ мисоли.





Азизлар

Лшъор, алёр алифбе айвонидин,
Лйтай аввал азизлар аҳволидин.

Алҳамдилуллоҳ, алҳазар азизлар,
Аҳли аброрини асрар азизлар.

Аллоҳимнинг азизидир азизлар.
Аҳилларнинг асидидир азизлар.

Асрорларни англагувчи азизлар.
Аҳрорлардай англагувчи азизлар.

Арбоб, азмкор арслон азизлар,
Алпоминсифат алп, андом азизлар.

Аллоҳнинг авайлагани азизлар,
Афифлаб афзаллагани азизлар.

Аъён, ақраб, авлиё азизлар,
Аркон, акроми анбиё азизлар.

Анвойилар аро анбар азизлар,
Аҳли-аҳийлиги анвар азизлар.

Аъло аъмолли, аржуманд азизлар,
Атвори ажиб, алиммонанд азизлар.

Атоқли, азим, аъламдир азизлар,
Акобир, ахий, аъзамдир азизлар.

Алишерлар, Абдуллалар азизлар,
Алар авлоди аталар азизлар.

Алқоларга айланмасин азизлар,
Ардоқлансин, авайлансин азизлар.

Аълоларнинг аҳди, анжум азизлар,
Ассалому алайкум, азизлар!





Бўлар бола билан бўлмас бола борасида

Бўлар бола “бисмилло” дан билинар.
Бўлмас бола бирлашмаган, бўлинар.

Бўлар бола бахтиёрлик байроғи,
Бўлмас бола бадбахтларнинг бадроғи.

Бўлар бола барори, бардоши бор.
Бўлмас бола бебурд, бесабр, бебарор.

Бўлар бола бегард, бедард, беғубор.
Бўлмас бола билъакс, беғам-бекарор.

Бўлар бола белида белбоғи бор,
Бўлмас бола бўлса бекуч, бемадор.

Бўлар бола билими бор – бонги бор.
Бўлмас бола бебошдиру бадкирдор.

Бўлар бола бўлур Бобур, Бухорий,
Бўлмас болаёнинг бўлмиши безори.

Бўлар бола бош бўлар бора-бора.
Бўлмас бола бағоят бечора.

Бўлар бола буюрганни бажарар.
Бўлмас бола баҳоначи, бакирар.

Бўлар бола беозору беиннат,
Бўлмас бола беор, безор, бемақсад.

Бўлар бола бажаргани бажодир,
Бўлмас боланики бекор, бежодир.

Бўлар бола баландларни бўйлайди,
Бўлмас бола баландлашни билмайди.

Бўлар бола башариятнинг бахти,
Бўлмас бола болаларнинг бадбахти.

Бўлар бола баёнларнинг баёни,
Бўлмас бола бахтсизлик биёбони.

Билагонлар бундоқ билдиргандирлар:
“Бўлар бола бадрафидан биллинар”.



Дов-дарахтлар

Дов-дарахтлар дилларга дилкушо, дилородир.
Дардин дунё дардига доридиру, даводир.
Дил-дилдан дўстлашайлик дов-дарахт дунеси-ла.
Дов-дарахт дим дўзахга дарейи дилрабодир.

Диснатли дийдалар дов-дарахтнинг дўстидир.
Дов-дарахтлар довшиманднинг дарсхонаси, дарсидир.
Дов-дарахтлар диверлар дилроз, дилхирожидир.
Дов-дарахтлар дунёи дун дуогуёни, дастидир.





Шаҳрисабз

Шаҳарларнинг шаҳд-шунқори – Шаҳрисабз.
Шаҳарларнинг шаҳсувори – Шаҳрисабз.
Шаркнинг шаъни, шафоатли шарифи,
Шердилларнинг шамчироғи – Шаҳрисабз.

Ширвозлари шифобахш, шарофатли,
Шоирлари ширушакар – Шаҳрисабз.
Шоввозлари шерқорак, шижоатли,
Широкларга шоҳид шаҳар – Шаҳрисабз.

Шаҳристони шарқона шакланган,
Шавкатларнинг шақсиз шарҳи – Шаҳрисабз.
Шалоласи шавқона шарқираган,
Шерлар шаҳри, шохлар шаҳри – Шаҳрисабз.






Истиқлол

Истиқлолнинг имконидан илҳомланиб,
Иштиёқу ихлос ила ишлағумдир.
Илҳомимнинг исқанжасида ийманиб,
Ижодим ирмоғида илдамлағумдир.

Истиқлолим – илму ирфон инқилоби,
Истиқлолдан инди илкимга ибодат.
Истиқлолдан интилишларнинг икболи,
Истиқлолнинг ишқи, имдоди ижобат.

Итқитилди итоаткор "иттифок"лик,
Истиқлолнинг ифорида илинайлик.
Ибрати ишлар ичинда из изланиб,
Истиқлолдан истиқболга интилайлик.

Истайманки, истиқлолнинг илҳомлари,
Инжулари ибтидоини иқромласин.
Илтижомга ижобатлар ийҳомланиб,
Истиқлолим иқлимларни ишғолласин!





Китоб

Кабири кашфиёт, киромдир китоб,
Камолот калити, карамдир китоб.

Коинот кенглигин кўзгуси – китоб,
Кенгликлар кажрафин кезгуси китоб.

Камтарни кўкларга кўтарар китоб,
Кўкларга кўнгилни кўрсатар китоб.

Кўнгли куйганларга кавсардир китоб,
Комиллар комили Каъбадир китоб.

Керагидан кўпрок керакрок китоб,
Кунсиз кунларга кун, кўзмунчок китоб.

Комронликнинг коми, кавкаби китоб,
Кунтуғмишнинг кўрки, келбати китоб.

Келажакка карвон кўркамдир китоб,
Каминага киройи кўкламдир китоб.



2014/12
А
1000

Alisher Navoiy
nomidagi
O'zbekiston MK



Лолалар

Латиф либосингиздан лов-ловланиб,
Латофатингизга лолман, лолалар.
Лаъли лабларингиздан лаззатланиб,
Лабташна лабларим Лукмон, лолалар.

Лайлатул-кадрдай лазиз лаҳзалар,
Лайлою лайливаш, лўппак лолалар.
Лобару лаъл, лирик лиқо ламъа'лар,
Лаболаб, лолагун, луччак лолалар.



лиқо ламъа – очик чехра, ёруғ юз



Онажон

*Онасининг олқиш-олқовларини олган
одам олам олтинларини олган одамдан
ортиқ, охирати ободдир*

Олқишларингизни олай, онажон.
Оғриқларингизни олай, онажон.
Оиламиз ойи, офтобидирсиз.
Олқовларингизни олай, онажон.

Орази ой, ойдан ойдиним, онам,
Олтинлардан ортиқ олтиним, онам.
Офтоби оламтоб, орзуси оппоқ,
Окибат, омадда олдиним, онам.

Ох, онажон, олисламанг олдимдан,
Озод овозингиз оламини олсин.
Оллох огоҳланиб олқовингиздан,
Олам офатларин оловга отсин!





Мустақиллик маъволари

Мустақиллик менга мангу маёқдир,
Мустақиллик – мулки маънавиятим.
Мустақиллик – мислсиз мулк, мутлоқдир.
Мустақилликка мушарраф миллатим.

Мустақилман – мукарраму малак¹ман,
Мустақилман – музаффар мамлакатман.
Мустақилман – мағрур, мисли малик²ман,
Мустақилман – маскани маъдалат³ман.

Мустақиллик малоҳатли меҳнатдир,
Мустақиллик – мудом масъулиятим.
Мустақиллик мартабаи маснад⁴дир,
Мустақиллик – мунис масъумиятим.

Мустақилман – миллий мафкурам мавжуд,
Мустақилман – муслмони муслимман.
Мустақилман – меҳри мисоли масжид,
Мустақилман – мусаффо моҳ мисли ман.

Мустақиллик – муҳрланган меҳварим.
Мустақиллик – муаззамим, мужгоним.
Мустақиллик – муқобилим, манзарим,
Мустақиллик – мубораклик майдоним.

Мустақилман – миннатдорман, мамнунман,
Мустақилман – муаллимман моҳитоб.
Мустақилман – муҳаббатда мажнунман,
Мустақилман – мақсадларим мустажоб.

Мустақиллик – мухташам музофотим,
Мустақиллик – менинг Макка Мадинам.
Мустақиллик – мўътабар мукофотим,
Мустақиллик – мўъжизаи муаззам!

¹ *малак* – жуда гўзал

² *малик* – подшо

³ *маъдалат* – адолатли, ҳаққоний

⁴ *маснад* – юкори даражали



Наврўзим

Навбахор нафосати,
Нуқраи назокатими
Наврўзим?!

Навниҳолнинг нишлаши,
Насибанинг нўш¹лашими
Наврўзим?!

Ниятларнинг нисоби²
Новдаларнинг ниқобими
Наврўзим?!

Назмлар навосози,
Навоийнинг ниёзими
Наврўзим?!

Неларнинг нурланиши,
Нечаларнинг нурашими
Наврўзим?!

Ноёб нусрат нишон³лар,
Номсиз нашъа ниҳонларми
Наврўзим?!

Найсонларнинг нағмаси,
Ночорлик ниҳоясими
Наврўзим?!

Нилий, навобахш, нилгун,
Набототга накш, нигинми
Наврўзим?!



¹ нўш – тотли, чучук

² нисоби – негизи, асоси, асли

³ нусрат нишон – ғалаба белгиси



Темур

1

Тилимланган Туркистонни тизимлаган Темурдир,
Тилкаланган Туркистонни тутамлаган Темурдир.
Таланган танг Туркистонни тиллолаган Темурдир,
Тилсизланган Туркистонга тил тилаган Темурдир.

Тарафларга тўғрилиқни тамғалаган Темурдир,
Талон-тарош, талотўпдан тозалаган Темурдир.
Туркистонда топталишу таҳдидларни тўхтатган,
Тобелиқнинг томирларин тилкалаган Темурдир.

Талончини тавбасига таянтирган Темурдир,
Тўймаганни товоғига тўйинтирган Темурдир.
Тойбодидан тўғри таълим-тарбияни тинглаган,
Тафаккурнинг тантанасин тўй тиндирган Темурдир.

2

Тарафларни тизгинлашнинг тобини топган Темур,
Тасаввуру тахайюлнинг таъмини тотган Темур.
Туманли туиларни титиб, тонглар-ла тақдирланган,
Табиати тонгларга-да ташналиқ тутган Темур.

Тамаддуннинг туркийда тамал тошин терган Темур,
Тотувликнинг туғин тутиб, тошқиндек турган Темур.
Тарафларнинг тарозисин тортганда танти тутиб,
Тафаккури теран толиб, темиртан, тийран Темур.

3

Туркнинг тинчлик, тараққийсин Тангримиздан тилаган,
Турқултонлик товонини танҳо, танти тўлаган,
Туғилган турк туробини, томини тиллолаган,
Тажрибали тужжор Темур, тенгсиз тadbиркор Темур.

Тангри Таоло тортиғи – туркийга тақдим-туҳфа,
Тарағайнинг тиллоларга тенгланмас тоғи – Темур.
Тегиномаҳнинг тукқани, тимсолсиз таронаси,
Тилақларию тоати, тож-тахти, тиғи – Темур.

4

Турон топди тараққийёт тажассумин Темурдан,
Турон тотди тож-толенинг табассумин Темурдан.
Токи Темур тилақлари топсин тўқис такомил,
Тинглағаймиз тўрт тарафнинг такаллумин Темурдан!



Фарзандларим

Фарзандларим, фароғатларим,
Фавқулодда файзиёбларим.
Фикрим, фаҳмим, фаросатларим,
Фарахнафас фахриёрларим.

Фарзандларим, фусункорларим,
Фахриялар, фасоҳат¹ларим.
Фармонбардор фидокорларим,
Фирдавсмонанд фатонат²ларим.



¹ *фасоҳат* – чиройли ва ёқимли сўзловчи

² *фатонат* – зийрак, хушфаҳм



Билимли одам

Айтай сенга бир гап, эшитгин, дўстим,
Сўнгра шод бўларсан йўк деб кам-кўстим.

Билиминг ошириб борсанг бирма-бир,
Машаққат малолсиз ўтгай бежабр.

Шу фикр ҳукмрон доим дилимда,
Инсоннинг қуввати эрур билимда.

Билимли одамнинг дўсти бисёрдир,
Билки, унга мудом эзгу ҳис ёрдир.

Билимлининг пешонаси ялтирар,
Билимидан ёмонликлар калтирар.

Билимли ҳар ерда эъзоз топади,
Омад оти унга сари чопади.

Ватан билимлини қилур зиёда,
У ҳеч вақт қолмайди пою пиёда.

Дунё билимлига эгиб келур бош,
Билим тунда ойдир, кундузи – Қуёш.





Қалбим марвариди

Биламан, кўзингда нафрат намоён,
Қалбингдан қувгансан мени то абал.
Гуноҳим бўйнимда, лекин ҳеч қачон,
“Кечир”, деб бормоғим кутмагин факат.

Лойиқ эмасдирман кечеришга ҳеч,
Ўзим ўз қалбимни юлдим кўксимдан.
Қийналсам ҳам майли, майли, эрта-кеч,
“Кечир”, деб сўрмасанг, асло ўксимам.

Бирор сўз айтмоқнинг эмас мавриди,
Айтгин, ўзим оқлай сенга нима деб?
Қуёшли қалбимнинг пок марвариди,
“Кечир”, деб боролмам сенга бош эгиб.

Шафқат тиламоқни истамам сира,
Кўзларим йўлингда гарчанд интизор.
Порлоқ юлдуз нуринг тортмасин хира,
Ишонгум, висолга бешак имкон бор.

Табассум-ла бир кун кўзимга боқсанг,
Айбим алангаси аламдан сўнгай.
Олис уфқлардан ой бўлиб оқсанг,
“Кечир, жоним!” дея зор кўнглим кўнгай.





Энг кучли одам

Билимдан бахт топиб, китобни суйиб,
Элга зиё сочган – энг кучли одам.
Ғийбат хирмониға мухаббат уйиб,
Янги дунё очган – энг кучли одам.

Ғамлини шод қилган, димоғини чоғ,
Ғанимдан нур кутган – энг кучли одам.
Фисқу фасодларнинг бағрин этиб доғ,
Мардлик йўлин тутган – энг кучли одам.

Ўзи танг бўлса ҳам, почорға боккан,
Дардга дармон бўлган – энг кучли одам.
О, ҳалол курашиб, ракибға ёққан,
Элга дoston бўлган – энг кучли одам.

Азобларға чидаб, айтиб шукрона,
Қасбға содик колган – энг кучли одам.
Тоғдай огир юкни тортиб туркона,
Элдан дуо олган – энг кучли одам.

Ирода инсонни қилур музаффар,
Ким эрур бургут-сор – энг кучли одам.
Ойдин йўл кўнгилни айлар мунаввар,
Билинги, бунёдкор – баркамол одам.





Севиклиларим

Аллоҳнинг қудрати-ла кўрсатган олам юзин,
Бир парча этлигимдан бергандир нону тузин,
Менинг-чун ҳар дам, ҳар он бўлган дуоси узун,
Отам билан онамдир менинг севиклиларим.

Бахтиму қувончларим, кўзга нур севинчларим,
Нури дийдам, чироғим, дилдош давомчиларим,
Уйим бекаси, бахтим, қароғим, суянчларим,
Ёрим, зурриёдларим – менинг севиклиларим.

Жигарим, жияним, деб қалбимни қўрлаганлар,
Тобим қочганда йўқлаб, шифога йўллаганлар,
Меҳр нурига ўраб, қувватлаб-қўллаганлар,
Содик қариндошларим – менинг севиклиларим.

Не иш бошламай доим зум ўтмай топар дарак,
Ўғит-маслаҳат берар, ёнимда жони ҳалак,
Улар бор бу дунёда безавол турар фалак,
Окибатли дўстларим – менинг севиклиларим.

Бағрида гулдурашиб, худудида яйратган,
Эркин нафас олдириб, булбулмисол сайратган,
Нон бериб, паноҳ бериб, сарҳадларин пойлатган,
Она Ватаним, халқим – менинг севиклиларим!



Билсанг, севиклинг ўша

Ҳар кун ширин таом-ла фарзандларингни бокса,
Ювиб-тараб уй-жойинг, чангларин кунда қокса,
Дилинг каро тун тутса, ичингга чироқ екса,
Муҳаббатинг ардоқла, билсанг, севиклинг ўша.

Сен унга шайдо булбул, у бир гулгунча бўлса,
Севгинг, садоқатингдан унинг пок кўнгли тўлса,
Борингни бахш этсанг, у юракдан шодон кулса,
Муҳаббатинг ардоқла, билсанг, севиклинг ўша.

Пасту баланд сўзларнинг бариши ичга ютса,
Ота-она, ёру дўст келганда кўркам кутса,
Вафо ҳам сафо айлаб, ками-кўстинг унутса,
Муҳаббатинг ардоқла, билсанг, севиклинг ўша.

Ҳаётинг – ҳамдамингдур, ҳамдардинг, ҳамрозингдур,
Мушкулёт тушса бошга ҳам ўрток, ҳам қозингдур,
Тақдирингга битилган ҳам кўпинг, ҳам озингдур,
Муҳаббатинг ардоқла, билсанг, севиклинг ўша.

Мункайиб қолганинг дам у сенинг керагингдур,
Энг сўнги кунларингда юпанчинг – тиргагингдур,
Чин дунёга кетсанг гар, десин: “Менинг бегим хур!”
Муҳаббатинг ардоқла, билсанг, севиклинг ўша.





Шогирдларимга

Бугун қанча шогирдим ёнимдамас – ҳар ёндир.
Ўзи учирма қилиб, қалбим қўмсаб ҳайрондир,
Ва лекин не тилашим барчасига аёндир,
Унинг, ўсинг, қокилманг, менинг ёш шогирдларим.

Биламан, бир ўқувчим кўркам бино қурибди,
Оғир кунлардан кейин ёруғ кунлар турибди,
Эшитдим, баъзингиздан омад юзин бурибди,
Унинг, ўсинг, қокилманг, менинг ёш шогирдларим.

Ҳали бари олдинда, боришг ютуқлар сари,
Бардош-ла интилингиз, азоблар ўтар бари,
Сиз бошлаган иморат бўлур самонинг зари,
Унинг, ўсинг, қокилманг, менинг ёш шогирдларим.

Қаранг, қандай бепоён, уммонга етиб келдик,
Эркин, озод, мустақил замонга етиб келдик,
Қуриш, ишлаш, яратиш – имконга етиб келдик,
Унинг, ўсинг, қокилманг, менинг ёш шогирдларим.

Қайси соҳада бўлманг, сизни қучсин зафарлар,
Буюклик манзилига қилинг хушбахт сафарлар,
Сабоғим бўлсин мудом сизга дастур – сарлафтар,
Унинг, ўсинг, қокилманг, менинг ёш шогирдларим.

Ишонч ила ўрганинг ўз севган фанингизни,
Шону шуҳратга ўранг нурли Ватанингизни,
Элу юртга бағишланг бор жону танингизни,
Унинг, ўсинг, қокилманг, менинг ёш шогирдларим.





Йўқлик висоли

Муҳаббатим, шумиди кадрим,
Эзгу тилак, бўлдингми барбод?
Заҳарханда бир қаҳ-қаҳа-ю,
Бир оғиз сўз бор-йўғи... хайҳот?!

Қанча пинҳон ўртаниб, ёниб,
Телба каби изингдан кездим.
Умидлардан гоҳо қувониб,
Гоҳ шубҳалар шодлигин сездим.

Наҳот энди муҳаббат тамом,
У ёлғизми тунда ой мисол?!
Ё борарми мусибат томон,
Наҳот йўқлик – энг олий висол?!





Мен сени соғиниб яшайман

(3 яшар ёлғиз ўғлини қабрга қўйган
ота поласи)

Мен сени соғиниб яшайман,
Эй қалбимнинг парчаси, ўғлим.
Ҳидларингни унутолмайман,
Энди қайга узатай қўлим?!

Кўз олдимда юрардинг чопиб,
Жарангларди ширин сўзларинг.
Дарвозадан кирсам гар ҳориб,
Кўриб порлар эди кўзларинг.

Шундоқ ҳам азобли дунеда,
Куйдириб кетдинг-ку бағримни.
Бепарво бўлдимми борингда,
Бепарво бердимми боримни?!

Нахот, энди йўксан оламда,
Нахот, энди йўқдир ёлғизим?
Нахот умрим ўтар аламда,
Нахот, энди йўқ гуноҳсизим?

Нахотки, сен бир умр армон,
Нахот, кийнар сўнгсиз изтироб?
Нахот, қалбим тифлайман ҳамон,
Мен жавоб истайман, мен жавоб!





Тўймадим

Райҳоним, кун оҳим, тун оҳим,
Мен сени ҳеч холи кўймадим.
Синдириб, ошириб гуноҳим,
Ҳидладим – тўймадим, тўймадим.

Ифоринг таралса, завқ туйиб,
Бўйларинг бўйимга бўйладим.
Гулдонда асрадим сув куйиб,
Ҳидладим – тўймадим, тўймадим.

“Нозойим”, “жоним”, деб эркалаб,
Қошингда ҳисларим сўйладим.
Кундузи, тунда ҳам эрталаб,
Ҳидладим – тўймадим, тўймадим.

Тутадим оташим сўндириб,
Оловинг нелигин ўйладим.
Ҳидладим димоғим тўлдириб,
Барибир, тўймадим, тўймадим.





Иқро

Кўзларимга боқасан маънос,
Излагандек паноҳ ё нажот.
Ҳис қилсам-да қалбингни сўзсиз,
Сир бой бергим келмайди фақат.

Лек тонолмам севгингдан асло,
Муҳаббатинг – ёлғиз тилагим.
Сендан кечсам, кечирмас дунё.
Юрагимда яшар юрагинг.

Ишон

Биз энди бир умр яшаймиз бирга,
Аллоҳга беадад шукрона айтиб.
Турмуш қадамларин ташлаймиз бирга,
Айро юришлардан мангуга қайтиб.

Кўнглимиз бўлади, ишон, ҳур, обод,
Фақат қолажакдир изтироб завқи.
Қалблар туташади шавқ-ла умрбод,
Уша изтиробли ёнишлар ҳаққи.





Қирқ ёшдаман

О, Яратган, қилдинг пайдо,
Яшайпман бўлиб шайдо,
Қирқ ёшдаман.

Самоларда учдим кўп вақт,
Англаб Ерга тушдим хушбахт,
Қирқ ёшдаман.

Тиндим бурон тўхтагандай,
Талотўплар таркагандай,
Қирқ ёшдаман.

Оилам тинч, рўзғорим бут,
Саркашликлар бўлди унут,
Қирқ ёшдаман.

Рухда қувват, онгда ғайрат,
Қалбда жўшар ҳамон хайрат,
Қирқ ёшдаман.

Эллик қайда, олтмиш қайда?
Энди ўзинг суюк сайла!
Қирқ ёшдаман.



ҲАЁТ ГУЛХАНИНИНГ ИБРАТЛИ УЧҚУНЛАРИ



*Ловуллаб ёнмоқда ҳаёт гулхани,
Қалбларга қўнмоқда сонсиз учқунлар.
Одамзод тарихи – ибрат гулшани,
Гулшандан гул терар онги учқурлар.*



Олтин япроқ

Тупроқли йўлни босиб сўлим бокка кириб бордим. Куз. Кўкда кўрғошинранг булутлар оғир сузади.

Осқ остига тўшалган япроқларни босиб боғ кезаман. Бирдан хавода вожоҳатли тутунранг булуг пайдо бўлди. Кушлар “чуғур-чуғур”и тинди. Кучли шамол эсиб, бир тўда барглари чанг аралаш чирпирак килиб учириб кетди.

Ажабо!

Не кўз билан кўрайки, ваҳимали учаётган барглар орасида бир йирик, олтиндай япроқ ўзгача гердайиб, ажралиб, мағрур кўтариларди. Олтин япроқка қараб: “Ҳой, мунча гердаясан, ахир танангдан жудо бўлгансан-ку?!” деб ўйладим. Унинг бу аҳволига раҳмим келди...

Бечора япроқ эса ҳамон гердайиб кўкка ўрлар, зум ўтмай ерга чирпирак бўлиб урилишини ва одамлар оёғи остида қолиб эзилишини билмас эди...

Кекса ота ўғлига ичишнинг, чекишнинг кони зарар эканлиги ҳақида кўп насиҳатлар қилди ва ўриндан тураётиб чўнтагидан носқовоғини олди-да, носқоводан кафтига озгина тўқиб, секин тили остига ташлади.

У “Лайли ва Мажнун” достонини ўқиди. Лайлига ачинди. Ичида унинг отасини роса сўқди. Эртаси куни қизининг севган йигитидан келган совчиларни (бечора йигит сал камхаржроқ эди) ноумид қайтарди. Кўп ўтмай зор-зор йиғлатганча кизини ароқ-шароб заводи директорининг ўғлига унаштирди.

Ҳар хил рангларнинг товланиши қандай яхши! Аммо Унинг ҳар куни турлича товланиши мени даҳшатга солади...

Чанг тўғри келган нарсага ёпишаверади. Унинг аҳволига тушиб қолишдан кўрқаман...

Кичкина соат кўлингда туриб сени доимо зийраклантиради, бутун вужудингни ҳаракатлантиради, шоширади, энг яқин кишингдек огоҳлантириб боради.

Тупида қизармаган кўм-кўк помидорни узиб келиб, зўрлаб қизартиришди. Аммо, барибир, у ўзи пишиб стилган помидор таъмини беролмади.



Қаламга ҳавасим ва раҳмим келади. У пок ва боқий хизмати учун бошини танасидан жудо айлаб, инсонларга эгилади, вужудидан айрилади.

Мен сени жуда ҳам севардим. Кўз олдимда баҳор куёшидек товлардинг. Муҳаббатим кун-бакун авжида эди. Орзуларимдек юксакда эдинг. Сен эса мендан ўша кунни отамнинг қасрда ишлашини, оладиган маошим микдорини сўрадинг-у, қалб ҳароратимга совуқ суя сепдинг.

Кузги япроқлар... Кўм-қўк бўлиб, йил бўйи инсонлар руҳияти ва кайфиятига ором бериб, сўнг олтин тусига кириб ўладилар...

Қушга тик қараманг, унга меҳр ила интилинг.

Ҳаётда озор кўрмайин деганлар қудратли, мансабдор чоғларида ҳеч кимнинг дилига озор бермайдилар.

Одамзод ёмон феълларидан воз кечиб, ўз дилини покламаса, у ҳеч нарсадан завқ ололмайди.

Агар дарахтнинг меваси кераксиз бўлса, унинг ўсиши ҳеч нарсага арзимайди.

Гўзаллик – муҳаббат чўриси.

Ҳеч бир қалбдан яхшилик кўчмасин,
Яхшилик кетган жойни ёмонлик эгаллайди.

Оёгингиз остидаги ўт-ўлан, ҳас-хашақларни билиб босинг, тагида ботқоғи бўлиши мумкин...

Бахт ва гул фасли баҳор ҳам қалдиросиз кечмас.

Баъзилар чакмоққа ўхшайди: ундан на бир тафт, на сруғлик қолади...

Қарға-қузғунларсиз ҳам ҳаётнинг қизиги, маъноси йўқ экан...

Шишаси хира чирок уйни чарогон қилолмайди.



Ғалати дунё экан: хайвонлар булгаган лойка сувли ариқлардан баҳра олиб яшнаган боғлар, гулзорлардан завқ-шавқ, гўзалликлар туйиб яшарканмиз.

Узилган япроқни новдасига пайвандлаш мушкул.

Тирноқ остидаги “кир”ларни тозалаб туриш лозим. Акс ҳолда, айримлар уни ахтариб топадилар.

Сояга ҳавасим келади. У ўз эгасига ҳамиша содиқ, ундан ҳечам ажрамайди.

Эгри қўлдан тўғри езув чиқмайди.

Ўзингни оқлаш учун ўзгага қора суртма!

Шароит, муҳитдан характер, киёфа яралади. Ҳатто калтакесак ҳам ўз яшаган муҳитидан ранг олади.

Доирага раҳмим ва ҳавасим келади. У шاپалоқ ся-ся одамларга хизмат қилади.

Катта чирок бўлиб хира нур таратгандан кўра, кичик чирок бўлиб порлаган афзалроқ.

Шундай ёниб яшайликки, иссиқ тафтимиздан бошқалар баҳра олсинлар. Акс ҳолда, ҳарорат таратишдан нима наф?

Довюрак ва раҳмдил кишиларгина адашадилар. Ва, албатта, ғалаба қозонадилар.

Ёқимли суҳбатни дардли одамдан тинглаган афзал.

Автоуловлар... Беминнат хизматкор, узоқни яқин қилувчи дастёр. Жиловини бўш кўйсанг, фожеа тайёр.



Эсли эр эскини эсламас.

Ақллилик гўзалликдир. Гўзаллик қалбни ёритади, бутун оламни забт этади.

Болалик касалининг энг яхши табиби – вақт.

Афсус... Чиройли нарсаларнинг ҳаммаси ҳам соф эмас.

Инсон табиатан тақикланган, яширин ва тафсилоти номаълум нарсаларни билишга ўзгача кизиқиш билан интилади. Бу кизиқиш ва интилишларни ақл билан бошқариш лозим.

Оламда энг қимматли дур, сўзсиз, инсоннинг ўзидир.

Яшаш жойимиз шу Ер экан, уни отамиздек улуглашимиз, онамиздек ардоқлашимиз, фарзандимиздек севишимиз, нонимиздек кўзга суртишимиз шарт!

Тўғри йўл кўрсатадиган ақлгина ўз номига муносибдир.

Ақлли одамларгина сўзларидан. йўлларидадан адашмайдилар.

Мақсадлари манзилига етмок истаган одам оқилларнинг сўзларини қулоғига олади. Мақсадсиз одам манзилига столмайди.

Бахт қушини тутмок учун юксакка интилмок керак.

Мазмунли ва қиска гапирадиганларнинг тили ширин бўлади.

Қалби, ақли ва тилини тўғри тутган одамларгина юксакликларга кўтарила оладилар.

Тилнинг ўзига душман бўладиган қисмини кесиб ташлаш керак.

Кўнгли билан тили тўғри бўлганлар бўронларни писанд қилмайдилар.



Оқилона айтилган ширин сўз ҳамиша дунёдаги энг қимматбаҳо дуру жавоҳирлардан ҳам қимматроқдир.

Мард кишиларгина ғайратли ва ҳимматли бўла оладилар. Ундайларнинг ишида унум ҳам мўл бўлади.

Шундай сўзлар сўзлайликки, у биздан халқимизга ёдгор бўлиб қолсин.

Тартиб-интизом, ўз-ўзига талабчанлик оғриғи грамлар билан, афсус-надоматлар оғриғи эса тонналар билан ўлчанади.

Дарахтнинг безаги меваю япроғи бўлганидек сўзнинг безаги унинг мағзидадир.

Донолар суҳбатидан тан яйрайди, қалб қувонади, кўз нурафшон бўлади, мия озикланади, жон ором олади.

Тўғри сўзловчининг душмани ҳам бир кун келиб дўстга айланади.

Айбингни айтгандан кўркма!

Агар фойдали сўзлар эшитсак, уларни бебаҳо марваридлар деб билиб, қалбимизга, фикру ёдимизга жойлаб олмоғимиз лозим.

Ўтирган уловинг фазилатларини манзилингга етгач айт!

Қалби тоза, содиқ дўстларинг бўлсагина сен бахтиёрсан.

Ўзингиз дилозор бўлиб, қанча-қанча диларга озор берсангизу, яна “Мендан яхши ном қолармикан?” деб умид қилишингиз мумкинми? Асло!

Ёмонликнинг пайини қирқувчи қурол яхшиликдир.

Бўри оралаб қолган жойни ўша ернинг итлари билан қўриқлаш лозим.

Номард билан ҳамроҳ бўлган одамнинг ҳаёти ҳамиш хавф остида.



Миллатим ва давлатим жаҳонга машҳур бўлсин, деб ҳаракатда юрганлар фидокор инсонлардир. Уларни бемалол ўз элу юртининг қаҳрамонлари дейиш мумкин.

Ўзини содик қилиб кўрсатишга уришган одамнинг юрагида бевафолик бўлади.

Балоғатга етаётган ҳар қандай инсонда кўпроқ нарсаларни билишга муҳтожлик сезилади. Шуларнинг энг кераклиларини танлашда куч ва эътиборни қайсиларига қаратишда аданмаслик лозим.

Шерюраклар хавfli бўлса-да, энг адолатли, ҳалол йўлдан юра оладилар.

Бир сония кечикканимиз учун бир умр азоб чекиб ўтишимиз мумкин.

Дунёни ёмонларсиз тасаввур этиб бўлмайди. Ўшалардан нафратланиб биз яхшилар сафидан ўрин оламиз.

Замонавий илму ҳунарларни ўрганиб борувчи, янгиликларга ўч инсонлар бу дунёдан мазмунли яшаб ўтадилар.

Ақлли, обрўли ва машҳур шахслар кўп ва ҳўб ўкиганлар орасидан етишиб чиқадилар.

Билимли одамлар ҳаёт ва ҳикмат лаззатларидан завқ олишни яхшироқ биладилар.

Ғазаб ва жаҳл отига минганлар инсонийлик киёфасини йўқотиб қўйиб, жиноят кўчасига тез кириб қоладилар.

Ёшу кексаларга ҳурмат-иззат кўрсатиб, уларга яхшилик қиладиган, халқига суянчиқ бўлиб, давлати манфаатини ҳам ёдидан чиқармайдиганлар чинакам мардлардир, бахтли инсонлардир.

Ўз касбини мукамал эгаллаб, уни севиб ардоқлаган кишини ўша касби кўкларга кўтаради.





Инсон эзгу ишлари, хуш феъли ва сўзлари билан ҳурмат топади, танилади.

Ўз устозига содик бўлиб, унинг дуосини олган шогирд, албатта, камолотга эришади.

Илм ва ҳунарларни эгаллаганлар бу оламдан бекаму кўст яшаб ўтадилар.

Одамлар кўплаб бало-қазоларга тил орқали дучор бўлсалар, кўплаб ютук-шарофатларга ҳам тил орқали эришадилар.

Хулқи бузуқлардан узоқроқ юриш лозим. Чунки бу юкиши осон бўлган касалликдир.

Сўзи билан иши бир бўлмаган одамлар ҳамиша кулгига нишондилар.

Бефойда ишга уринаётганлар ёруғликка интилиб ўзини дераза ойнасига ураётган парвонага ўхшайдилар.

Ўз нафсини тийиб, уни ўз иродасига бўйсундира олганлар ростакмига комил инсонлардир.

Бахт инсонга ўз-ўзидан келмайди. Унга эришиш учун бир қанча “бахтсизлик”ларни бошдан кечириш даркор.

Асталик ва усталик билан яхши битадиган иш тезлаштирилмайди.

Бошқаларга эзгулик истаб юрадиган одамнинг йўллари равон бўлади.

Ярашиш учун қилган барча чора-тадбирлари самарасиз кетган чоғда ҳам умидни узмаган ҳолда дўстлик ипларини боғлашга интилганларни тақдир Ирода мукофоти билан тақдирлайди.

Мухаббат – сеҳрли ва илоҳий оловдир. Бу азобли оҳанрабо оловда ёнмоқлик чексиз бахт-саодат ва роҳатдир.



Қилган ишлариянгиизнинг натижаси яхши бўлсагина уни хайрли деб аташ мумкин.

Хазиналар калитини қўлга киритмоқ истаган одам унинг меҳнатидан қочмайди.

Тежамкор одам ҳеч қачон бировга мухтож бўлмайди.

Ўзини тергаб турган одам бошқаларнинг тергашига эҳтиёж сезмайди.

Нафс ва хирс аланга олган жойда шарм-хаё, одамийлик ёниб кул бўлади.

Инсон ўз сўзи билан кимлигини билдиради.

Кўп ичкилик қириб борган бошдан ақл қочади.

Доимо яхшилик ниҳолини экиб юрадиганлар шу дунёнинг ўзидаёқ энг лаззатли жаннат меваларини ёйдилар.

Қатъий аҳду паймон ила ўз мақсадига эришишга киришган одамнинг қалбида ўзгача – енгилмас куч яширинган бўлади.

Бахтли бўлишни истаган одам уни четдан кидирмайди, балки уни ўзида ривожлантиради.

Яхши нарсаларга эришмоқнинг яхши йўли ўзингизнинг яхши ҳаракатда бўлмоғингиздадир.

Ҳурматга, муҳаббатга сазовор бўлишнинг йўли уни талаб қилмаган ҳолда бошқаларга кўплаб муҳаббат ва меҳр-окибат улашиш, эвазига эса ҳеч нарса кутмасликдир.

Бошқаларга ёрдам берган, яхшиликлар қилган одамнинг кўзлари қувончдан порлайди, қалблари хушнудлик туйғулари билан лиммолим бўлади.





Фақат пасткаш одамларгина машхур, буюк шахсларнинг арзи-маган хато ва камчиликларидан хабар топганларида беҳад хурсанд бўладилар.

Шукроналик, миннатдорчилик феъл-атворнинг шундай белгилари-дирки, улар фақат тарбия натижасида юзага чиқади. Шунинг учун бо-лаларимизга яхшилиқни кадрлашни ўргатиб бормоғимиз лозим.

Инсон ўз кадр-қимматини билдириши учун баъзи-баъзида яқинларидан узоқроқда бўлиб туриши ҳам керак, чунки олдимиздан чиқиб турган булок сувининг бебаҳо ва шифобахшлигини, кадрини хамиша билавермаймиз. Қуриб қолгандагина унинг кадри ўтади.

Ҳақиқатни ширин қилиб айтганларнинг гаплари ҳаммага ёқади ва эзгуликка чорлайди.

Инсон доимо ўз номини абадиятга етаклайдиган ишларга интили-ши керак.

Одобни одобсиздан ўрган, деганларидек, бошқаларнинг айбларини кўрганнимизда уларда ўз айбимизни кўрган каби тўғриланиб олмоғимиз зарур.

Охири жанжал билан тугайдиган хурсандликдан охири хурсандчи-лик билан тугайдиган жанжал афзалроқдир.

Қалбида бир олам эзгу орзулари ва муҳаббати бор одамгина сир сақлай олади.

Фаросати калта одамларнинг тили ўз айбини оклашда узун бўлади.

Метин иродали одамлар оғир дардга чалинганларида ҳам ўзларида сабр-тоқат топа оладилар.

Моддий бойликка хирс қўйганлар маънавий қашшоқ бўладилар. Ундайлар ҳамма нарсани пул билан ўлчайдилар. Ҳатто Ҳажга бор-ганларида ҳам уларнинг кўзлари Каъбадаги заррин тилло чизиқларни кўради.



Сув сувдан куч олиб оққани каби одамлар ҳам ахилликда буюк кучга эга бўладилар. Бундай куч билан ҳар қандай улуғ мақсадларга эришиш мумкин.

Истеъдодларни қанча эрта эътибор ва зийраклик билан аниқлаб, уларни ҳалқимиз ва давлатимизнинг буюк мақсадларига йўналтирсак, шунчалик тез тараққиёт ва фаровонликка эришамиз.

Ҳаёт йўлларингиздаги тўсиқларни кўрсатган инсон – сизнинг чин дўстингиз.

Қалбини турли кир, ғуборлардан тозалай олган одам кўплаб сирасорлардан воқиф бўла олади.

Матонатли юраги борларнинг муваффақиятли ишлари кўп бўлади.

Фақат ақлгина бизга моддий ва маънавий бойликлар ато эта олади. Фақат ақлгина бахт-саодат ва соғлиқ ҳадя этади. Фақат ақл билан шоду хуррамликлар, омад чўққиларига чиқиш, фақат омад билан дунё саодатига эришиш мумкин! Умримизнинг узун бўлиши ва барча орзу-мақсадларимизга эришувимиз ҳам ақл билан қилинган амалий саъй-ҳаракатларимизга боғлиқдир! Ақл ҳамма нарсани ҳал қилади.

Илму маърифат денгизида шўнғиганлар, албатта, у ердан бахту саодат дур-гавҳарларини топадилар.

Одам боласи қанча юксак даражаларга кўтарилмасин, агар гўзал ахлоқли бўлмаса, уни инсон деб бўлмайди.

Ечилмаган озгина чигаллик ҳам кўпчилик билан тез счилади. Озгина дардни ҳам кўп билиб, уни бартараф этмок чораларини кўрмок лозим.

Ҳамиша орзу-умидли бўлиш – оқилнинг иши. Мақсадсиз орзу-истакларга фарқ бўлиш эса нодоннинг иши.

Илм тўғри йўлни кўрсатгувчидир. Унга эса кўп мутолаа ва устоз кўмаги ила эришилади.



Энг тўғри, ҳалол ҳаёт Ҳақ ва халқ ризолиги билан кун кечиришдир.

Кўплаб гуноҳларни кечириш мумкин, аммо хиёнатни кечириш... оғир масала...

Синовлардан ўтмаган дўстга ишониб бўлмайди.

Кучингизга ишонмаслигингиз имкониятларингизнинг очилишига ҳалақит беради.

Ҳар қандай ютуққа тезроқ эришиш юқори аниқликни талаб қилади.

Ҳеч кимга енгилишни истамаган, ҳар жиҳатдан бақувват, бадавлат бўлишни истаган одам ақлли, тадбиркор ва илмли бўлиши керак.

Талантли одамларнинг кўплиги қувонарли. Аммо уларнинг рағбатлантирилмай, эътибордан четда бўлиши ачинарлидир.

Одамлар билан осон мулоқотга киришишни ўзлаштириб олган кишининг ҳамма ишлари олдинга қараб кетади.

Ютуқлар бир нечта ютқазилардан кейин келади. Ютқазмасдан ютуққа эришиш қийин.

Мағлубиятга учрашдан кўркмай, дадил ҳаракат қилган одамга ғалаба насиб қилади.

Амалга оширилиши лозим бўлган ишларни орқага сурмай ҳаракат қилиш лозим. Ҳаракат ҳаракатсизликни енгади.

Кўркув, ҳаяжон, ўз кучига ишонмаслик – инсон қобилиятларини йўққа чиқарувчи сабаблардир.

Ҳар қандай эзгу ишни ишонч билан бошлаш керак.

Инсоннинг олган билимлари унинг бебаҳо бойликлари ва беиминнат хизматкорларидир.



Ақлли одамлар ўзларидан ақллироқ одамлар билан ишлайдилар ва ақлларини чархлаб борадилар.

Ҳар бир балоғатга етган инсон ўзига: “Мен кимман ва ким бўлмоғим керак?” деб савол бериши ва бу саволга виждонини ўртага қўйиб жавоб кайтариши даркор.

Ўз боғида тер тўкиб яхши ниҳол ўстирганлар, албатта, эккан ниҳолларининг ширин-шакар меваларини ейдилар.

Ҳаётда курашишни билмайдиганлар ва турли вазиятларда ўзини қўлга ололмайдиганларга кийин бўлади.

Англадимки, агар инсон ўз фурсатида вақтини билим олишга бағишлаб, сидқидилдан меҳнат қилса, кўрган қийинчиликлари билим нурлари остида йўқолиб кетади.

Орзу-умидлар рўёбини одатдаги юриш-туришдан кутиш мумкин эмас. Бунинг учун ишонч ва қатъият талаб этилади.

Барча ишни оқилона таваккал асосида қилишга ўрганган инсонни тўхтатиб бўлмайди.

Эзгу мақсад йўлидан асло чекинмаслик керак! Чекинмагандагина кучга эгамиз ва муродимизга етамиз.

Ҳар бир инсоннинг дўстларига, оила аъзоларига нисбатан меҳр-муҳаббати унинг эл-юртига муҳаббати билан ҳамоҳанг бўлмоғи лозим.

Бошини кам ишлатган кишиларнинг оёқ ва қўллари кўп ишлайди.

Илон, чаён, бўридан эмас, хушомадгўй, тилёглама, лаганбардорлардан кўркиш керак.

Ҳалолдан лаззат олиб, ҳаромдан нафратланиш оддий одатимиз бўлсин!



Душманимизга озор бермай уни енгишнинг йўриғини топайлик.

Оқилу доно ҳамкорларингиз бўлса, ишларингиз меъёрида кетаверади.

Ўзлигини англай билган одам энг яхши одамдир.

Ўзимиз яхши билган яхши нарсаларни ўзгаларга ҳам ўргатайлик.

Харид қилинмайдиган нарсаларни сотадиганлардан узоқроқ юрган маъкул.

Яхшилиқни одат қилганлар ўзгалар қалбини тез овлай оладилар. Ундайларнинг тилида бол, кўзларида нўр, сўзларида тўғрилиқ бўлади.

Ўзингизнинг эшагингиз ўзгаларнинг отидан афзалдир.

Ўзига керакли билим ва тажрибани ололган одам мурод-мақсадига, албатта, эришади.

Қисқа йўллар билан мурод манзилига етиб олишни кўзлаган одам жисмоний ва ақлий қувватни бир-бирига қўшиб, улардан бир меъёردа фойдалана олади.

Табиат қонунларига зид бориш нодонликдир. Мана шу қонунларни бузсак, у бизни шафқатсиз жазолайди. У қонунларга амал қилсак, табиат бизга доимо саломатлик, узоқ умр, юқори кайфият ва омадлар ҳада этаверади.

Ватанинг, халқинг, отанг, онанг, чин дўстинг... ҳақида салбий фикр айтишга ҳаққинг борми? Ўйлаб кўр!

Инсон онги, англашининг энг юқори чўққиси илгари тахминлар эди. Аммо кейинги пайтларда ўша тахминлар ҳақиқатга айланмоқда!

Каллали бўлишни истасангиз, уни ишлатинг!

Инсоннинг қимлигини унинг амалдаги ишлари кўрсатади.

ЯШИЛ ЁҒДУЛИ ЯПРОҚЛАР



*Дарахтман, ётибман кўкариб,
Кессалар ўтину оловман.
Гулханман, кўксимдан чўз ариб,
Қалбларга тафт берган яловман.*





БИРЛИКЛАР

Елкалаб юк сўнг манзилга етмоқлик ҳам бахт

Сени суйса суйганинг – қалбинг тўла фароғат

Қушлардек учиб юришнинг вақти бўлади

Дам-бадам ўзни сўроққа тутиб тургин, тафаккур!

Назоратга олмоқ керак нокерак истакларни

Топурсан жаҳон, ақл бирла бопнингни қапласанг бир он

Ҳавойи орзулар, тўсмангиз маънавий юксалишимни

Ҳамон излайман юксакка чорловчи орзумдаги куйни

Мен билан ҳар куни муҳаббат тонги отади...

Мақсадга етиш қалиги сабр билан ақлдир, қулифи-чи?!

‘Эсдап чикармам – ёнимда ажал юрганим

Нодон “дўст”ларим бордир – улар ўликлар

Танимасам ҳам дўстимдир очик қалблилар

Сухбатига зор қилгувчи донолар ҳам бор

Қалбга ёруғлик солгани-чун юлдуз юлдуз аталур

Ҳар гул ҳам ифори, арзигуликмас

Кекса нодондан ақлли гўдак афзалдир

Мағонаг – буюк мақсадларга элгувчи қудрат



Маънавият пойдевори гўзал ахлоқдир

Фикрловчи одам вайсақи бўлмас

Кўздир инсоннинг қалбига очилган дарча

Нисон – Ернинг энг гўзал ва ноёб гули

Қушлар бахти уларнинг канотидадир

Кўкрагимда ўт бўлмаса ёзармидим...

Ўзни опқоч доно кўринган нодондан

Билиб қилинган ишнинг пушаймони бўлмайди

Вагангадолар яша тиканзорнинг усгида

Хағоларни тан олиш ҳам илм ва маърифатдан

Ақлимиздир танимизнинг энг яқин дўсти

Олабийликлар оқади оқилларнинг оғзидан

Мақсадларига тез етар шижоатли бедорлар

Чин чоралар чорлагай чорасизликлар чорасин

Рост сўзловчининг қалби ҳамиша покизадир

Ақл билан ишлаганлар озрок озор чекарлар

Мол-дунёга хире қўйган – ўз кўзин ўзи ўйган

Чироғили гул не керак хун бўйи таралмаса?..

Меҳр ва саховатдан эрир хатто тош кўнгил



Ғўр мсвада на бўй бўлар, на лаззат...

Чехрангда хур кулгу кўрдим – шодман, халким

Порлаб турса сўзларинг чиройи чин маънодан

Ит минг карра яхшидир беҳайр одамлардан

Кониингда ғамлар окса, ютмай бўлурми конлар?!

Бўлса эди Еримиз гул юзлининг юзидай...

Гўзал бўлгайлар шаксиз, калбга сайқал берганлар

Кулоч отсам, дейман... эрк уммонида!

Инсоният бир-бирига қачон бўлар парвона?!

Чаманзорда меҳмонмиз – барча гул каби...

Чин дунёга умрингу бахтингни топиб кетгин

Ишларимиз кўтарсин бошимизни баландрок

Дунёда курук яшасанг, беиз кетасан

Аввал тилинг, сўнг вужудингга киргай қувонч

Барака калбин очар нафсини тийганларга





ИККИЛИКЛАР

Булутга артаман пашонам терин.
Кўксимда Алпомиш, Широқ яширин.

Бирор самарали фикр қолдирмай,
Бу дунёдан қандай кўзларим юмай?!

Тилагинг барини Аллоҳдан тила.
Рўеби-чун журъат манглайини сила.

Меъер тарозисин бузса гар одам,
Мурод-мақсадига етмас сира ҳам.

Кўзларингни кўзладим узок,
Кўзларимда қолдинг, кўзмунчок.

Ватан ва халқингга қилсанг хиёнат,
Қалбинг жаҳаннамда қоврилар абад.

Қомиллар кўрсатган йўздан юрмоқлик,
Аччиқ, лек фойдали дори сўрмоқлик.

Сув сингари софлансанг, савобни севиб,
Сохибқиром саналасан синаб-севилиб.

Мустақил бўлгандан сўнг осмонимда сор бўлдим,
Хурлик насими эсиб, оламда минг бор бўлдим.

Борлик билан йўқликнинг ораси – бир пас,
Гугурт қақилгунча яшаб турар хас.

Лаззат топдим сахарда ишлаб,
Бараканинг жиловин ушлаб.

Муддатин ўтказиб бажарилган иш,
Жон чиккан танага санчмоқ малҳам-ниш.

Азобларинг роҳатдир, ҳаёт,
Мени ижод-меҳнатингга от.



Ҳақиқатнинг палласини босиб яшадим,
Эвазига ғурбат ғурасини ошадим.

Қўрқокда иймон бўлмас,
Бўлса-да, кучга тўлмас.

Юксакларга интилиб, бошим осмонга етди,
Табриклашиб юлдузлар сочларим силаб кетди.

Китоб ўқисанг тер тўкиб, варақлаб,
Қалб кўзларинг очилгайдир чарақлаб.

Агар юрагингда эзгу фикр бор,
Шаксиз, ишларингда унум мўл, бисёр.

Хар қандай муаммо, тугун ечилар,
Бил, ақл сабр-ла суқун очилар.

Кўзимдан узоксану, карок туридадирсан,
Бағримдан узоксану, қалбим кўридадирсан.

Сўзингдан шакар, бол оқиб турса ҳам,
Кам гапир, кам гапир, кўпга бер барҳам.

Дангаса, режасиз, оми кишининг,
Бир умр ривожидан бўлмас ишининг.

Яхши сўз-ла турганида иш битиб,
Чаппа буриб қўйма ўзингдан кетиб.

Миршабларнинг ўзи қилса бедодлик,
Бошин қай эшикка урсин ободлик?

Тугилганда кўп қувонч-ла келиш ҳам бир бахт,
Сўнг манзилга кўп элкада кетиш ҳам бир бахт.

Ишқнинг оловлари ендирса ичинг,
Шундан шаффофланиб тонгайсан тинчинг.



Без кетмай ўзидан яхши ном қолдирган киши,
Дардни доғда қолдириб, армонни толдирган киши.

Хар жойни мунофик ўраб олса ҳам,
Пок виждон, сен ўлма, бўл бутун, бекам.

Ҳасели ҳаселларга қалбингни оч,
Ҳассиз аёллардан узоққа қоч.

Яхшининг хўблигин биламиз қачон,
Қачонки, тўрига туширса ёмон.

Оламнинг равшанлиги офтоб жилосидандир,
Одамнинг равшанлиги китоб зиёсидандир.

Мусофирлик чекиб, сайр этиб жаҳон,
Яқинлар қадрини билади инсон.

Ўтказсанг умрингни дўстлар билан шод,
Қайгу кемасини айлайсан барбод.

Қанча эрта мағлуб этсанг нафсингни.

Бахтга шунча бойитасан наслигини.

Дўстнинг узрин қабул қилиш – дўстлик нишони.

Узрсиз дўст – шахзодасиз сарой-қошона.

Қаламинг ёзишга тушганда аста,
Дилиннга оқиллик бўлсин пайваста.

Сабр қилсак, ғамда бордир ёруғлик ҳам,
Ғамлар ичра севинч пинҳон, севинчда ғам.

Биродарлар, ўзингизни топингиз,
Топингизу зоҳир либос епингиз.

Тадбирларнинг улуғи амалга ошмас бирдан,
Уқуви бор эринлар сабр-бардонни бирдан.



Ўзгаларни ютукқа етаклайди фидокор,
Натижага эришар олса ҳам оғрик-озор.

Шодлигу ғам, азобу бахт... Тескарисин
Мағрур кутиб олмоқ керакдир барисин.

Ҳақиқат биттадир асли, биродар,
Уни турли-туман англамоқ – зарар.

Садоқатда қоим бўлса ошиқлар,
Улар томон висол ўзи ошиқар.

Муҳаббаг туфайли мис олтин бўлар,
Олтин эса қайноқ ўт, ёлқин бўлар.

Саховатдан гуноҳларинг ювилур,
Саховат дилга оппоқ парқув илур.

Нафс ғубори рух ойнасин қилар доимо хира,
Шунинг учун нафс отига қамчи урмагин сира.

Устун бўлса қонуи, адолат,
Тамаддунга тенгдир қафолат.

Қачон ноҳақликка рўбарў келсак,
Аввал дил оёққа туриши керак.

Кўп лучак сўзларни гапирар нодон,
Дононинг кам сўзи – ичи тўла дон.





УЧЛИКЛАР

Осмон қаърига учиб бормокдадир одамзод,
Ернинг тубига кириб бормокдадир одамзод,
Одамзод “тупрок”қа кирмаслик учун...

Фақат ўзим ҳақимда ўйласам,
Фақат ўзинг ҳақингда ўйласанг,
Демак, бизлар Одам эмасмиз!

Интизомда барча омаднинг кони,
Интизомда ҳаётнинг кони, нони...
Бўлса қани ҳаракатнинг жони?..

Ишқинг бўлса, қусурларингга бор дор,
Ишқинг бўлса, юрагингда бор мадор,
Ишқинг бўлса, ичингда шаффофлик бор

Кўп меҳнатдан одам ҳалок бўлмайди,
Аммо мақсадсиз куч сарфлаш туфайли
У фожеа жарларига қулайди.

Эски тузум, мутеъликларни буздик,
Мустақилмиз – давлатимизни туздик,
Энди отинг камчилагин, эй ўзбек!

Ўзимни йўқотиб қўйдим мен,
Мен ўзимни йўқотдим, чунки,
Сизлардан узоқлаб кетганди ишонч...

Нуринг тарат барчага қуёш каби,
Нафинг етказ кўпларга ёмғир каби,
Икки дунё саодатин истасанг.

Куз. Эрта-кеч совуқ, кундузи иссик,
Тўкилади сариқ, конталаш барглар –
Дардли юрагимнинг ранглари улар...



Қандай гуноҳларим учун, ё Раббим,
Менга шоирлик қисматини бердинг,
Ашъор ўқимаслар замонасида?

Эшигингни ланг очгил, майли,
Майли, очгил қалб дарвозангни,
Зарурда ёпишни уддаласанг, бас.

Эрк тоғига чиқмоқ истасанг,
Бахт нуруни кўрмоқ истасанг,
Онг оёгин оёққа тургаз!

- Шоирнинг юраги қай ранг бўлади?
- Бедаво оғрикранг, дардранг бўлади,
- Энг тоза, мусаффо тонгранг бўлади!

Эл мардлари билан,
Тоғ барслари билан,
Мағрурдир, машҳурдир, виторли!

Қиш оппоқ меҳрини, қалбини,
Бағрини тўшабди замин – оламга,
Доғ кўнгиллар ибрат олсайди, дея.

Шон-шуҳрат, бойликка етарсан,
Етгач, бу ҳам сийқаланади,
Фазилатларга-чи, етиш осонми?

Бир хум асал бўлиб борасан ишга,
Қурук идиш мисол қайтасан уйга,
Ох, шундай такрорлар маъкулдир менга.

Вакт кетиб, дунёдан ўтиб бўламиз,
Вакт келиб, дунёга керак бўламиз,
Шунда бизни топа олармикансиз?



Туйнуқсиз, дарчасиз дилларга,
Кичиккина йўл очиб қўйсам,
Бўлармиди бу хайрли иш?..

Ҳуснда у бетимсол хурлико бўлди,
Феълида кибру ҳаво пайдо бўлди,
Шундан бўлса керак, бахти қаро бўлди...

Бахтим борки, мени тушунганлар оз эмас,
Бахтим борки, мен тушунганлар оз эмас,
Бахтим борки, тушунмаганларим оз эмас.

Азал-азалдан алғов-далғов бўлган бу замон,
Бу дунёнинг беҳисоб хатолардан бағри қон,
Шу боис тўла-тўқис бахтли бўлолмас инсон.

Одам адашса, одам қоқилар,
Подшо адашса, замон қоқилар,
Миллат адашса, олам қоқилар.

Тилнинг тиканлари санчилаверса,
Юракка таъналар томчилайверса,
Темир ҳам янчилади бир куни.

Қалам ушламасдим қалб буюрмаса,
Бўйнимни эгмасдим қоғозга сира,
Ёзмокка ундайди буюк Хотира.





ТЎРТЛИКЛАР

Ҳар куни бошингда турсалар,
Тегирмон тошидек гулдираб.
Бугўдойдек синмагин, тур сахар,
Йиқилсанг, йиқилгин гурсиллаб.

Ишк билан тирикдир одамзод насли,
Ишк имкон одамга, оламнинг васли,
Ишк боис куёш ҳам борликка байроқ,
Не тонг, ишк – аслида тириклик фасли.

Салом бермоқ лозим, борлик, бутотқа,
Сув, ҳаво, куёш ҳам она тупроққа,
Шукрона айтаминиз Яратган Зотга,
Ва яна қалбдаги шаффоф булоққа.

Инсон кадри баҳоланмас пул билан,
Дўстлар қалби узоклашмас йўл билан,
Бахт-саодат пайдо бўлмас ғойибдан,
Яратилар меҳнат, ақл, қўл билан.

Кўзларингга қараб тўймас кўзларим,
Кўзларинг кўзим-ла ушлаб турсайдим.
Нурафшон порлаган танҳо юлдузим,
Висолингга етиб, кўзга сурсайдим.

Дарахтман, ётибман кўкариб,
Кессалар ўтину оловман.
Гулханман, кўксимдан чўғ ариб,
Қалбларга тафт берган яловман.

Муҳаббатда меҳр ипи чархланар,
Меҳр ипи оқибатда барқланар.
Меҳрсизнинг қурир туйғу булоғи,
Сув ичмаган кечинмалар фарқланар.

Баъзиларга ҳавас билан боқасан,
“Гўзал экан”, дейсан “ҳуснда бекам”.
Соҳибжамол кўринганлар гоҳида,
Юраги кўмирдай бўлади баъзан.



Ғурур қалбнинг майлига тўсик,
Севги риштасини кесгувчи ханжар.
Балки бахт топарди ишк ила ҳар ким,
Сўл ғурур халакит бермаса агар.

Навой сўзидан олганман сабоқ,
Ҳайёмнинг шароби қонимга сингган.
Ҳаётга сен ақл кўзи билан бок,
Оқиллар наздида дунёлар синган.

Ўтди кунлар, ўтмоқда йиллар,
Ўтди ёз, куз, киш бирла баҳор.
Қайталанур барчаси, аммо,
Афсус, ёшлик бўлмайди такрор.

Дўстман, дея қалбимдан жой олдилар,
Тинч бошимга ажаб савдо солдилар,
Ошкор бўлиб фитнаю иғволари,
Гуноҳлардан қизаришиб қолдилар.

Шамол турмай, гулнинг шоҳи қайрилмас,
Қалта иплар асло бойловга келмас,
Гуллар тутиб кўлни кўлга беришган,
Чин ошиқлар ўлганда ҳам айрилмас.

Меҳр дарёсининг пок дури бўлсанг,
Жаҳон гулшанининг булбулидурсан.
Ҳаққа маъқул, халқингга маҳбуб бўлсанг,
Олға бошлар марғуб дулдулидурсан.

Барибир, бўлмадинг, бўлмадинг,
Бўриларга бўлдинг биродар.
Билдирдим билмадинг, билмадинг,
Бўриларга бўлдинг биродар.

Узоқ Шарқда ишладим, совуғи каттиқ экан,
Бошқача тобим қочди – оғриғи каттиқ экан.
Энди кўзим очилди, бошга солмасин Эгам,
Даромад кайда, дейсиз – довуғи каттиқ экан.



Туюқлар

Агар бўлса уйда бугдойинг, унинг,
Жаранглаб чиқаркан овозинг – унинг.
Бу ёруғ дунёда шукронам бисёр,
Ҳаммаси, ҳаммаси химмати- Унинг.

Тўлқинлар копласа гар уммон юзин,
Кўрамиз оккушнинг ўн эмас, юзин.
Хаёллар-ла ўтиргайдир соҳил узра,
Шеър илоҳи силагайдир шоир юзин.





МУНДАРИЖА

Камтар жилолар	3
Муқаддима	4

ОҚСАРОЙ ОҲАНГЛАРИ

Оқсарой	6
Севгилим	7
Келақолгин	8
Булбул хониш қилганда	9
Ҳазора тўргайи бўзлайди	10
Юлдуз учди... ..	11
Азизлар	12
Бўлар бола билан бўлмас бола борасида	13
Доя-дарахтлар	14
Шаҳрисабз	15
Истиқлол	16
Китоб	17
Лолалар	18
Онажон	19
Мустақиллик маъволари	20
Наврўзил	21
Темур	22
Фарзандларим	23
Билимли одам	24
Қалбим марвариди	25
Энг кучли одам	26
Севиклиларим	27
Билсанг, севиклинг ўша	28
Шогирдларимга	29
Йўқлик висоли	30
Мен сени соғиниб яшайман	31
Тўймадим	32
Иқрор	33
Ишон	33
Қирқ ёшдаман	34

ҲАЁТ ГУЛХАНИНИНГ ИБРАТЛИ УЧҚУНЛАРИ

Олтин ядроқ	36
-------------------	----

ЯШИЛ ЁҒДУЛИ ЯПРОҚЛАР

Бирликлар	50
Иккиликлар	53
Учликлар	57
Тўртликлар	60
Туюқлар	62

2000 4911

Абдусамад ВОҲИДОВ
ҚАЛБИМ МАРВАРИДЛАРИ

Шеърлар ва қатралар

Тошкент
«Мумтоз сўз»
2013

*Китобни бадий безашда
Шамирза Турдимов асарларидан фойдаланилди*

Муҳаррир: *Файзи Шоҳисмоил*
Бадий муҳаррир: *Беҳзод Болтабоев*
Техник муҳаррир: *Собитхон Абдуҳамитов*
Саҳифаловчи: *Абдуқаҳҳор Юлибоев*
Мусахҳих: *Камола Болтабоева*

Теришга берилди 07.07.2013. Босишга рухсат этилди 18.07.2013.
Бичими 84x108 1/32. «Times New Roman» гарнитураси.
Офсет босма. Шартли босма табоғи 4,75. Нашриёт-хисоб
табоғи 4,00. Адади 500 нусха. Буюртма № 370.
Баҳоси шартнома асосида.

«Mumtoz so'z» МЧЖ нашриёти,
Нашриёт лицензияси: АІ № 103.15.07.2008
Тошкент. Навоий кўчаси, 69. Нашриёт тел: 241-60-33

«Заковат нашриёт уйи» МЧЖ босмахонаси,
Косонсой шаҳри, Чорбоғ кўчаси, 17-уй.